*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил **30 ноябрь** ШАНБА **№ 96** (12628)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# СИФАТЛИ ХОМ АШЁНИНГ ХАРИДОРИ КЎП



*Зангиота туманидаги "Келес-жун" масъулияти чекланган жамияти 2004 йилда ташкил топган. Корхонада аҳолидан қўй жунини сотиб олиб, тозалаб, қайта ишлаб, пресслаб, той шаклида қадоқлаш ишлари бажарилади. Тайёр маҳсулот, асосан, хорижга экспорт қилинади. Корхона янги иш бошлаган кезларда йилига 30 минг долларлик хом ашё экспортга чиқарилар эди. 2006 йилдан корхонага чет эл инвестицияси киритилиб, янги технологик жиҳозлар сотиб олинди. Жумладан, жунни ювиш дастгоҳлари ўрнатилди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Бугунги кунга келиб, корхона йилига 200 минг долларлик жунни экспорт қилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** прессловчи-уста Содиқ Абдуллаев; рақамловчи Гўзал Қўчқорова.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## СУД ҲОКИМИЯТИ ТАЯНЧИ

**Мамлакатимизда қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш истиқлол йилларида босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ушбу жараёнда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳам жадал кечмоқда. Бош қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган қисқа даврда суд-ҳуқуқ тизимида катта силжишлар рўй берди.**

Конституциянинг бешинчи бўлими XXII боби бевосита суд ҳокимиятига бағишланган. Бу мамлакатимизда фуқаролар, ташкилот, муассаса ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конституциямизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан холи, мустақил иш юритиши ҳамда судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Бу суд ҳокимиятининг мустақиллигини ифодалайди. Шунингдек, Конституцияда суд ҳокимияти билан бирга судьяларнинг ҳам мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши кўрсатилган.

Бевосита хўжалик судлари масаласига келсак, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек тадбиркорлар ўртасида иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган хўжалик низоларини Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари ўз ваколатлари доирасида ҳал этиши Конституциямизда аксини топган.

2000 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ мамлакатимиз суд ҳокимияти ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Судлар ихтисослаштирилиб, кассация институти ислоҳ қилинди, ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди, суд фаолиятининг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди.

Республика Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида судларнинг ижтимоий муҳофазасини янада ошириш, суд органлари ходимлари ижтимоий мавқеини ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олинган. Бу суд ҳокимияти мустақиллигини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ҳамда хўжалик суди судьяси лавозимига 30 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумот, юридик ихтисос бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган фуқароларнинг тайинланиши белгилаб қўйилган. Қолаверса, захирани шакллантириш ишларига олий малака комиссиясининг раҳбарлик қилиши айни муддаодир. Бундан ташқари, мазкур ҳужжат асосида судьяларнинг хизмат поғонаси бўйича ўсиши таъминланади, улар лавозимга қайта тайинланади, ваколати тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш даврида ижтимоий муҳофаза қилинади.

Олий хўжалик суди Раёсатининг "Хўжалик судларига тадбиркорлик субъектлари томонидан даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон кўринишда беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, хўжалик судларига тадбиркорлик субъектлари томонидан даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон кўринишда беришнинг вақтинчалик тартиби республика Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, интернет тармоғидаги Олий хўжалик судининг расмий сайтида жойлаштирилган шаклларни тўлдириш йўли билан тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон кўринишда хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни бериш қоидалари белгиланди.

Бу ўзгаришлар суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда суд ишларини енгиллаштириш мақсадида амалга оширилган. Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларига ҳам қулай имконият яратилди. Зеро, Юртбошимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида "Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз" деб таъкидлаганликлари бежиз эмас. Чунки, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам Конституциямиз замирида белгилаб берилган бўлиб, унда инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилиниши, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, шахсларнинг фақат қонунга бўйсуниши инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига асосланади.

Кўриниб турибдики, Конституциямизда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимига оид нормалар амалиётда Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг таянчи бўлиб, соҳа ривожига самарали хизмат қилмоқда.

**Хамиджон ЖАЛИЛОВ,**
**вилоят хўжалик суди раиси.**

Қарор ва ижро

**Мамлакатимиз Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қатор соҳаларнинг ривожи учун асосий дастуриламал бўлди. Мазкур қарорда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига янги ва замонавий алоқа хизматлари кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор берилган.**

## СИФАТЛИ, ЗАМОНАВИЙ ВА ТЕЗКОР




"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали ташаббуси билан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яқинда ангренликлар замонавий ва юқори тезликдаги IP-TV, видеотелефония ва интернет хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Бунинг учун 44 та кўп қаватли уйга FTTb технологияси асосида оптик толали алоқа линияси ўтказилмоқда. Бугунги кунга қадар 344 миллион сўмлик иш бажарилган.

Ҳозир уяли алоқа тармоғидан фойдаланишга талаб катта. Кўрсатилаётган хизмат сифати ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Қарорда ҳам шу жиҳатлар инобатга олинган. Чирчиқ шаҳри, Янгийўл, Чиноз, Қибрай ва Юқори Чирчиқ туманларида "EVDO" технологияси асосида "Ўзмобайл" уяли алоқа тармоғини ривожлаштириш лойиҳаси доирасида умумий қиймати 1 миллиард 691 миллион сўмга тенг 21 та база станциясини ўрнатиш бошлаб юборилди. Шу кунгача "Bartec Ingeneering" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари тармоқнинг 5 та антенна-мачта қурилмасини ўрнатишган бўлса, яқинда улар яна 2 тага кўпаяди.

Вилоятда "RWC", "UNITEL", "COSCOM" уяли алоқа тармоқларини кенгайтириш мақсадида 2 миллиард 250 миллион сўмлик 9 та база станциясини ўрнатиш мўлжалланмоқда.

– Вилоят аҳолисига техник сервис хизматлари кўрсатиш учун шу кунгача Бўстонлиқ, Қибрай ва Зангиота туманлари марказларида 13 та "Ўзтелеком" савдо офиси ишга туширилди, – дейди "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали тармоқларни ривожлантириш ва қурилиш бўлими бошлиғи Баҳодир Хожамқулов. – Мазкур хизмат кўрсатиш марказлари компаниянинг янги бренди асосида, замонавий дизайнда, мижозлар учун ҳар томонлама қулай ҳолатда барпо этилмоқда. Энг муҳими, янги-янги хизматлар таклиф этилаётгани боис шахобчалар мижозлар билан гавжумлашиб, сердаромад йўналишга айланмоқда. Яқинда филиал тизимидаги Ангрен ва Бўстонлиқ телекоммуникациялар боғламасида "Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш маскани" ташкил этилди.

Бундан ташқари, қарор доирасида Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Янгийўл туманларида FTTx технологияси бўйича мижозларнинг хонадонигача оптик толали алоқа линияларини қуриш мўлжалланяпти. Бунинг учун 1 миллиард 729 миллион сўм йўналтирилади.

– Туманимизда алоқа хизмати яхшиланаётганини эшитиб, хурсанд бўлдим, – дейди янгийўллик Нафиса Каримова. – Илгари қўшни давлат тугул бошқа вилоятдаги танишингизга қўнғироқ қилиш муаммо бўларди. Алоқа сифати ҳам яхши эмасди. Энди уйда ўтириб, нафақат танишингизнинг овозини эшитасиз, балки ўзини кўришингиз мумкин. Ривожланиш деганлари шу бўлса керак-да.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги 73 та ахборот-кутубхонани интеграциялашган тармоққа улаш лойиҳаси ҳам катта имкониятларни бериши билан аҳамиятли. 11 та ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларини "Электрон таълим" миллий тармоғига улаш учун оптик-толали алоқа линияларини ўрнатиш лойиҳасига қарор доирасида 343 миллион сўм сарфланади. Агар шу ишлар амалга ошса, коллеж ўқувчилари Оксфорд каби жаҳонга машҳур университетлар кутубхонасидаги китобларни бемалол мутолаа қилишлари, видеоконференция ёрдамида хориж таълим муассасаларидаги дарс жараёнини тинглашлари ва улар билан ҳатто алоқага чиқишлари мумкин.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ЯНГИ ЙИЛДАН ЯНГИ МОДЕЛЬ

**"GM Uzbekistan" ЁАЖ қўшма корхонаси 2014 йилнинг биринчи чорагидан янги русумдаги автомобилни ишлаб чиқара бошлайди. Кейинги йилдан корхонада "Chevrolet Orlando" русумидаги оилавий минивэн автомашинасини йиғиш ва савдога чиқариш ишлари бошлаб юборилади.**




Маълумотларга кўра, "Chevrolet Orlando" автомашинаси "Chevrolet Cruze" платформасида яратилган бўлиб, беш эшикли ва етти кишилик ўринга мўлжалланган. Автомобиль кўп болали оилалар учун қулайлик туғдиради. Унда уч қатор ўриндиқлар қўйилган. Учинчи қатор ўриндиқлари шифти баландлиги билан бошқа автомобиллардан ажралиб туради. Машина салони 958 литр (5 ўрин сиғимли) юкхона ёки текис пол ҳолатида 1594 литр (2 ўринли) юкхонага эга.

**"Туркистон-пресс".**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ОҚАЁТГАН СУВНИНГ СИФАТИ ЎЗГАРАДИМИ?»

Газетанинг 26 октябрь (№ 86) сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Чиноз тумани Эски Тошкент қишлоғи А.Темур маҳалласида битта артезиан қудуғи қазилиб, 5 километр масофага сув қувурлари ёткизилгани, бироқ янги қудуқдан чиққан сув ичиш учун яроқсиз экани, иккинчи марта қазилган қудуқнинг суви ҳам яроқсиз бўлиб чиққани, шундан сўнг янги қудуқ суви оқизиб қўйилиб, сифати ўзгаришини кутишаётгани хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан вилоят "Сувоқава" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н. Аминов имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, А. Темур маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи 2012 йил манзилли дастурга киритилган бўлиб, Давлат дастури асосида ажратилган 260 миллион сўмлик ишларни бажариш тендер танлови ғолиби "Оконтус жаннат" МЧЖга юклатилган эди. Тошкент гидрогеология ташкилоти тавсияси билан 200 метр чуқурликда қазилган артезиан қудуғи суви сифат жиҳатидан талабга жавоб бермагани сабабли "Оконтус жаннат" 2013 йилда 260 метр чуқурликда иккинчи қудуқни қазиди. Бироқ, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бу сувни ҳам текширувдан ўтказиб, истеъмол учун яроқсиз деб топди. Шу боис Чиноз "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси қудуқни ўз балансига қабул қилмаган.

Жавоб хатидан маълум бўлишича, вилоят "Сувоқава" очиқ акциядорлик жамияти вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига мазкур ишни охиригача бажариш, яъни аҳоли норозилигини бартараф этиш юзасидан "Оконтус жаннат" МЧЖга алоҳида кўрсатма беришни илтимос қилган.

Шу муносабат билан таҳририят А. Темур маҳалласи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси тўлиқ ижобий ҳал этилмагунча, бу масалани кун тартибидан олиб ташламайди ва назоратни давом эттиради.

Яна тўловлар ҳақида

**Чиноз тумани суд ижрочилар бўлимида иш кўпайгандан-кўпайган. Кунига коммунал тўловларни ундириш бўйича ижро ҳужжатлари келиб тушмоқда. Маълумотларга қараганда, 3584 та ҳужжат бўйича 576 миллион сўм электр энергияси тўловлари ундирилди. 1 миллиард 929 миллион 624 минг сўмлик 1867 та ижро ҳужжатлари юзасидан Чиноз газ таъминоти корхонаси фойдасига 1 миллиард 90 минг сўм тўлаттирилди. Шуниси ачинарлики, охирги чора сифатида қарздор хонадонларга бориб, мол-мулклари олиб қўйилмоқда.**



## ОХИРГИ ЧОРАНИ ҚЎЛЛАШГА МАЖБУР ҚИЛМАНГ!

– Баъзи фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан фойдаланиб, ҳақини тўлашга оғринишларини ҳеч тушунмайман, – дейди Чиноз туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи, катта суд ижрочиси Исломбек Ҳамробеков. – Уларнинг қонун-қоидага беписандлиги соҳа мутахассислари учун турли муаммою тушунмовчиликлар келтириб чиқармоқда. Маблағлар ўз вақтида келиб тушмаганидан кейин хизмат кўрсатишда узилишлар бўлиши табиий, албатта. Тўғри, туманимизда коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашга одатланганлар ҳам йўқ эмас. Уларга раҳмат дейишимиз керак.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди қарздор Ғайрат Норматовдан Чиноз тумани электр тармоқлари корхонаси фойдасига 355 минг сўм қарзини ундириш тўғрисида қарор чиқарди. "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга асосан ижро ҳужжатлари томонларга юборилган. Фуқаро қарзини вақтида тўламагани учун уйидан 1 дона телевизор ва 2 дона гилами хатланиб, Чиноз таъминот савдо корхонаси вақтинча сақлаш омборига топширилди. Бунгача бир неча бор тушунтириш ва огоҳлантиришлар кор қилмаган фуқарога охирги чора тезда таъсир қилди. Мол қайғуси – жон қайғуси деганларича бор. Қарзини тўлагани сабабли мол-мулки қайтариб берилди.

Иброҳим Мадалиевнинг электр энергиясидан қарзи 300 минг сўмдан ошгач, суд ижрочилари қарзини ундириш учун мажбурий чора қўллаб, уйидан телевизор, палос олиб чиқиб кетилди. Қарзини тўлаганидан сўнг буюмлари ўзига қайтарилган.

Назаримизда ҳеч ким юқорида номлари келтирилган қарздорларга ўхшаб қўни-қўшнисининг олдида уйидан буюмлари хатланиб, олиб чиқиб кетилишини истамаса керак. Йиллар давомида мисқоллаб йиғилган обрў-эътиборни бир зумда йўқотиш кишига алам қилади. Қанийди қарздор фуқаролар шуни яхши англаб етишса...

**Хуршида НАЗАРОВА.**

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

## ТАШҲИС ҲУКМ ЭМАС

**Анвар танишларининг гапи билан хорижга ишлаш учун кетаётганида, ОИВ инфекцияси деб аталувчи тузалмас дардни юқтириб қайтишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Никоҳдан ўтиш арафасида бундай касалликка чалинганини билиш уни чуқур қайғу ва изтиробга солди. "Энди нима бўлади? Қандай қилиб бу касалликдан қутуламан?" деган саволлар гирдобида қийналарди. Соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларига эга инсон бундай афсус-надоматлар гирдобига тушмайди, албатта.**

"ЮНЭЙДС" халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир дунёда 34 миллионга яқин одам ОИВ инфекциясини юқтирган. Бу вирус кириб бормаган бирор минтақа ва мамлакат қолмаган ҳисоб.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун бунинг яққол далилидир.

Афсуски, ОИВ инфекциясини бутунлай даволашнинг ҳали имкони топилмаган. Вируснинг жуда ўзгарувчанлиги сабабли унга қарши вакцина ишлаб чиқиш муаммолигича қолмоқда. Ҳозирги дори воситалари касаллик вирусларини бутунлай йўқ қилолмайди, бироқ уларнинг кўпайишини тўхтатиб, иммунитетни емирилишдан асрайди ва бемор ҳаётини оз муддатга бўлсада узайтиради.

*(Давоми 2-бетда).*

Фуқаролик жамияти сари

# ИСКАНДАРНИНГ ЯНГИ РАИСАСИ

**Искандар – Бўстонлиқ туманидаги энг кўп аҳоли яшайдиган шаҳарча. Сал кам 14 минг аҳолининг 5600 нафари сайлаш ва сайланиш ёшида. Шулардан 427 нафари бу йил овоз бериш ёшига етди. Бошқача қилиб айтганда, бу ёшлар сайлаш ҳуқуқларини шаҳарча фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари учун овоз беришдан бошлашди.**

Ишчи гуруҳи барча ташкилий ишларни "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тарзда олиб боргани боис сайловолди тадбирлари муаммосиз кечиб, сайлов ҳам вакилларнинг фаоллигида ўтди.

Раисликка номзодларни танлаш ва саралаш жараёнида икки киши – Гулсара Ажиумерова ҳамда Ойбек Собитов номзодлари туман ҳокимлиги тасдиғидан ўтиб, расман рўйхатга олинган эди. Ҳар 65 сайловчи номидан овоз бериш ҳуқуқига эга бир нафардан, жами 86 вакил сайланганди. Шулардан 68 нафари сайловда иштирок этди. Саноқ комиссиясининг ҳисоботи тинглангач, Гулсара Ажиумерова 36 та, Ойбек Собитов 32 та овоз олгани маълум бўлди. Бу вакилларнинг фаоллиги ва айниқса, холисликлари туфайли оқсоқол сайлови ҳақиқий муқобилликда ўтганидан далолат беради. Шундай қилиб, Гулсара Ажиумерова Искандар шаҳарчаси фуқаролар йиғинига биринчи бор раис этиб сайланди.

Янги раиснинг 21 маслаҳатчилари ҳам муқобиллик асосида сайланди.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида ўтказилган "Ўзбекистон матбуоти" III миллий форумида "Эътироф – 2013" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.



# ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ НАШР

Танлов Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилди. У матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини кенгайтириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Қувонарли жиҳати шундаки, танловда иштирок этган "Янгийўл" ижтимоий-сиёсий газетаси "Энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр" йўналиши бўйича ғолиб деб топилиб, танловнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Акбар ИДИЕВ.**

**СУРАТДА:** (чапда) "Янгийўл" ижтимоий-сиёсий газетаси муҳаррири Расул Кушербоев тақдирлаш маросимида.

Семинар

# ИХТИСОСЛАШУВ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Миллий университетида "Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик фонди маркази, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ғафур Ғулом ҳамда "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда барча тегишли ташкилот вакиллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари маърузалари билан иштирок этишди. Долзарб мавзулардаги ҳар бир маъруза университетнинг журналистика факультети ўқитувчи-профессорлари, талабалари ва соҳанинг бошқа вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ёш мутахассис ва талабалар учун яратилаётган имкониятлар, уюштирилаётган танловлар журналистларда соҳанинг эртанги ривожига ишонч ва умидларини мустаҳкамлади.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Кузги шудгор

# НОСОЗ ТЕХНИКА – ЁҚИЛҒИ ЗАВОЛИ

**Кузги шудгор қизғин паллага кирган айни кунларда "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими "Кучлик нефть базаси", "Пахта нефть базаси" унитар корхоналарига қарашли ёқилғи тарқатиш шохобчалари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, технологик жиҳатдан тўғри тасарруф этиш ва тежаш мавзусида семинарлар ташкил этмоқда.**

Агротехник тадбирлар жараёнида нефть маҳсулотларидан самарали фойдаланиш ва тежаш шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Куз-қиш мавсумининг бошланиши муносабати билан ёқилғи тарқатиш шохобчаларидаги техник-метрологик ҳолатларга эътибор бериш, кузги шудгор жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда нефть маҳсулотларини белгиланган тартиб ва миқдорда етказиб бериш, айниқса, муҳимдир. Бунинг учун муқобил ёқилғи турларидан фойдаланиш лозим.



Таҳлиллар айтмоқдаки, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигидаги механизациялашган ишлар кўпайиб бораётгани сабабли энергетика воситаларига талаб янада ошмоқда. Агар йиллик сарфланаётган ёқилғи-мойлаш ашёларининг бир фоизи иқтисод қилинса, республика миқёсида тонналаб ёқилғи ва миллионлаб маблағ тежалади.

Инспекция мутахассисларининг таъкидлашларича, ёқилғиларни идишларда сақлашда ҳам йўқотишлар юз беради. Масалан, бир йилда 70 дан 140 килограммгача ёқилғи йўқотилади. Шунинг учун уларни тўлатилмаган идишларда сақлаш ман этилади. Бир идишни тўлиқ ишлатиб бўлиб, сўнгра иккинчи идишдаги ёқилғини сарфлашга ўтиш мақсадга мувофиқ. Ёқилғи маҳсулотлари буғланганда, таркибидаги енгил ўт олдириш фракциялари ҳам учиб кетади ва бензиннинг детонацияга турғунлиги пасаяди. Двигателни ўт олдириш қийинлашади ва деталларнинг емирилишига сабаб бўлади. Бундай ёқилғини ишлатиш двигателларни 100 фоиз ишлатиш имкониятини карбюраторларда 83 фоизга, дизель форсункаларида эса 58 фоизгача тушириб юборади.

Тракторларга далаларда ёқилғи қуйиш чоғида носоз қурилмалардан фойдаланилса, ёқилғи 1,2 фоизгача исроф бўлади. Агар челак ёки очиқ мосламалар билан қуйилса, 3,4 фоизга етади. Умуман, трактор ва автомобилларда уқувсизлик натижасида 10 фоиздан кўпроқ ёқилғи-мойлаш ашёлари йўқотилади. Бу эса республика миқёсида жуда катта иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлади.

Кўп ҳолларда ёқилғи сарфининг кўпайиб кетишига носоз агрегат ва мослама ёки ростланмаган ускуналардан фойдаланиш ҳам сабаб бўлади. Далаларда ишлатилаётган ускуналарнинг ўтмаслашиши оқибатида ёқилғи сарфи 30 фоизгача ортади. Агар плуг тракторга нотўғри тақилса, бунинг устига қирқиш қирралари қалинлиги 5 мм. атрофида бўлса, ёқилғи сарфи 40-50 фоизгача кўпайиб кетади. Ишлов тракторлари йил бўйи тўлиқ ишламаса (кувватнинг 65-75 фоизини ташкил этса), ёқилғи сарфи 10 фоиз ортади.

Семинардаги таҳлиллардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, далаларда ишлатилаётган техникалар доимо соз бўлиши ва техник талаблар даражасида ишлатилиши зарур. Акс ҳолда фермер ва деҳқонлар ёқилғини исроф қилишлари натижасида ўзлари ва ўзгаларга ҳам иқтисодий зарар келтирадилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# ЭҲТИЁТ БЎЛСАНГИЗ, АСАКАНГИЗ КЕТМАЙДИ

**Ғайрат Мирвалиев бирозгина эътиборсизлиги қимматга тушишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Аёлининг шунча огоҳлантиришига қарамай, ёйма бозордан қўлбола иситиш ускунаси олиб келди. Туни билан футбол кўриб, ускунани назоратсиз қолдирди. Бир зумда хонадони ўт-оташ ичида қолганида нима қилиб қўйганини англаб етди. Лекин энди кеч бўлганди.**

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажратадиган офатдир. Олов ҳеч ким ва ҳеч нимани аямайди. Ҳар биримиз табиий газдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам қоидаларга амал қилавермайди.

Ёнғинлар аксарият ҳолларда бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юз бераяпти. Фуқаролар билиб туриб ўзлари ва мол-мулкларини хатарга қўйишади. Айрим хонадонларда электр тизимини хавфсизлик қоидаларига риоя қилмай таъмирлашади. Бундай ҳолларни корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи беғамроқ уй бекалари эса газ плитасини ёқиқ қолдириб, ёнғин сабабчиси бўлмоқда.

Ёнғин нафақат уй, жиҳоз ва мол-мулкларни бир зумда кулга айлантиради, балки кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлади, соғлиги ва ёшлигига путур етказади, бир умр мажруҳга айлантиради. Шунинг учун барчамиз доимо огоҳ бўлишимиз лозим.

**Дониёржон МУСАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ смена бошлиғи.**

# ТУТАЁТГАН ОФАТ

**Республикамизда 2013 йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.**



Маълумки, озгина эътиборсизлик ёки лоқайдлик катта ва нохуш ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ўлкамизда куз фасли охирламоқда, халқ тили билан айтганда, хазонрезги бошланди. Бу фаслдаги энг катта муаммолардан бири дарахтлардан тўкилган барг ва шох-шабаларни йиғиштириб олиш ҳисобланади. Кўпчилик юртдошларимиз бундай кезларда йўл четлари, хиёбон ва майдонлардаги хазонларни ёқиб юборадилар. Айрим болалар учун бу "ўйин"га айланади.

Ваҳоланки, бу ҳолат турли даражадаги ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, атмосфера ҳавосига ис гази, углерод оксиди ажралиб чиқиши натижасида нафас сиқилиши ва турли аллергик касалликлар кўпайишини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Шунингдек, ёнғин натижасида ҳосил бўлган тутун ва қурумлар атроф-муҳит ҳамда ернинг унумдор қатламига зиён етказади. Энг хавфлиси, кимдир томонидан ёндириб юборилиб, қаровсиз қолдирилган олов аҳолининг уй-жойлари ва жамоат объектларида ёнғин чиқишига олиб келиши мумкин.

Яқинда Яккасарой тумани "Роҳат" маҳалласи ҳудудидаги Ш. Руставели кўчасида жойлашган 46-уй олдида йиғилиб қолган хазонлар номаълум шахс томонидан ёқиб юборилиши оқибатида аҳолига катта миқдорда зарар етказилган. Бу ҳақда ўз вақтида хабар берилганлиги туфайли ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан тегишли чоралар кўрилди ва юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олди олинди.

Айрим фуқароларимизда тўпланган барг ва хазонларни нима қилиш керак, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Маълумки, кексаларимиз қадимда ҳовлиларда ўралар қазиб, хазонларни кўмишган. Хазонларнинг чириши натижасида ҳосил бўлган ўғитни ерга солишган. Ана шу тажриба ҳозирда ҳам оммалашса, айни муддао бўларди.

Ҳар биримиз ана шундай ишларга озгина бўлсада ўз ҳиссамизни қўшсак, республикамизда ўтказилаётган ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этсак, юртимизда экология бузилиши ва турли ёнғинларнинг олдини олган бўлар эдик.

**Дилсора АБДУМАЖИДОВА, Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори, катта сержант.**

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

# ТАШҲИС ҲУКМ ЭМАС



ОИВ инфекциясини юқтирган дастлабки йилларда тананинг иммунитети вирусларни бутунлай йўқ қила олмасада, уларнинг тажовузини бартараф этиб туради. Бу даврда касаллик ўзидан белги бермайди. Касалликнинг яширин даври танага тушган вирусларнинг миқдори, одамнинг ёши ва ҳолатига қараб ўртача 5-7 йил давом этиши мумкин. Бу вақтда одам ўзини соғлом ҳис қилиши, қонида вирус борлигини билмаслиги ва ташқи кўринишидан бошқалардан фарқ қилмаслиги мумкин.

Иммунитетнинг аста-секин заифлашиб бориши билан тананинг касалликларга чалиниш мойиллиги ортади. Нафас йўллари вирусли инфекцияларга тез чалинадиган бўлиб қолади. Йиллар ўтиши билан қонда вируслар ортиб, ҳимоя ҳужайралари камайиб, танада турли касалликлар ривожланади.

Фоҳишабозлик, турли шахслар билан жинсий алоқада бўлиш каби ахлоқий нопоклик ОИВ юқиши хавфини оширади. Шунингдек, вирус гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилиш натижасида юқади. Жарроҳлик, стоматология, гинекология ва бошқа тиббий муолажаларда стерилланмаган асбоблар, қулоқ ва бурун тешитирганда, терига расм чиздирганда, қош, қовоқ ва лабларга игна ёрдамида ранг берганда бир марталик игналардан қайта фойдаланилганда касалликни юқтириб олиш мумкин. ОИВ билан хасталанган она ҳомиладорлигида яллиғланган йўлдош, туғилаётган бола терисининг шикастланиши, она қонининг тегиши, шунингдек, эмизганда болага ҳам юқади.

ОИВни текширтириш учун тураржойдаги поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари ва ОИТСга қарши кураш марказида қон таҳлилини топшириш мумкин. Касаллик аниқланса, турмуш ўртоғига юқтирмаслик, ҳомиладорлик кузатилса, болани ОИВ билан зарарланмасдан дунёга келтириш чораси кўрилади. Инфекцияга чалинган бемор мунтазам шифокор назоратидан ўтиб турса, тавсиялар асосида вирусга қарши дори-дармонларни қабул қилиб борса, ўз вақтида овқатланса, ҳар кунги бадантарбия билан шуғулланса, тушкунликка тушмаса, касалликка қарши курашиш лаёқати ошади.

Агар ҳомиладор аёлда ОИВ инфекцияси борлиги аниқланса, ҳомиладорликнинг 14-ҳафтасидан махсус дори воситаларини қабул қилишни бошлаши керак. Туғиш вақтида эса жарроҳлик усули билан болани олиш, чақалоққа вирусга қарши дори воситаларини бериш, уни сунъий озиқлантириш керак. Бу боланинг ОИВ билан зарарланмаслигига замин яратади.

**Қобил МУҲАМЕДОВ, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори. Роҳила ЮСУПОВА, бўлим мудири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

ТУЗАТИШ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 27 ноябрдаги 95-сонида эълон қилинган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил 23 ноябрдаги XXX/VI сонли қароридаги "Красногорск шаҳар" ва "Толбулоқ шаҳар" сўзлари "Красногорск шаҳарчаси" ва "Толбулоқ шаҳарчаси" деб ўқилсин.

Йўл қўйилган хато учун таҳририят Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидан узр сўрайди.

ЭЪЛОНЛАР


MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

| Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд. | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370 233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +99890 123-69-71 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +99890 9592863 |
| Бекобод туман филиали: | +99890 167-43-27 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +99893 527-74-53 |
| Зангиота туман филиали: | +99890 976-47-93 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +99891 787-23-53 |
| Оҳангарон туман филиали: | +99893 508-22-99 |
| Ўртачирчиқ туман филиали: | 8-370-76-21-476 |
| Чиноз тумани филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | 8-370-71-64-617 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +99890 125-99-07 |
| Пискент туман филиали: | +99893 619-77-33 |
| Қибрай туман филиали: | +99893 613-83-16 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |
| Паркент туман филиали: | +99890 125-99-07 |

ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Гувоҳнома № 000690

«TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ хабар қилади!

2013 йил 21 ноябрь куни ва такрорий 2013 йил 6 декабрда булиб утадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБнинг 2013 йил 5 майдаги 9323-сонли ижро ҳужжатига асосан қўйилган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар "Агробанк" ОАТБда сақланаётган 1) бош. баҳоси – 111 024 000 сўм бўлган, 2010 йилда и.ч, техник соз, двигатель рақами 69579262 бўлган "DongFeng DFL 3251A1" русумли, 2) бош. баҳоси – 106 124 000 сўм бўлган, 2010 йилда и.ч, техник соз, двигатель рақами 87861738 бўлган "DongFeng DFL 3251A1" русўмли, 3) бош. баҳоси – 111 024 000 сўм бўлган, 2010 йилда и.ч, техник соз, двигатель рақами 87866914 бўлган "DongFeng DFL 3251A1" русумли, 4) бош. баҳоси 111 024 200 сўм бўлган, 2010 йилда и.ч, техник соз, двигатель рақами 87866913 бўлган "DongFeng DFL 3251A1" русумли автотранспорт воситалари Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБнинг 2013 йил 14 ноябрдаги СИ-20-сонли хатига асосан савдодан олинганини маълум қилади.

Қўшимча маълумот учун: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 13 августдаги № 8635-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси 26-уй манзили бўйича жойлашган: яшаш майдони 25,1 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 57,2 кв.м. бўлган 20-хонадон савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 24 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2012 йил 17 апрелдаги № 9323-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уй манзили бўйича жойлашган: умумий майдони 2472,4 кв.м., фойдаланиш майдони 1959,90 кв.м. бўлган 22-уй савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 275 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 30 декабрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

## Ибрат

# ФАРИШТАЛИ КЕЛИНЧАК

Қишлоқдан чиқиб, шаҳарга кираверишда шинамгина бир ҳовли бор: нақ жаннатнинг ўзи. Бу хонадон соҳиблари билан яқин эллик йиллик дўст-биродарлигимиз бор. Бир вақтлар қўшни бўлганмиз. Расулжон билан болалигимиз шу икки ҳовлида ўтган. Кейинчалик тақдир тақозоси билан бизнинг хонадон шаҳардан унча олис бўлмаган қишлоққа кўчди. Лекин Расулжоннинг хонадони билан оқибат ришталари узилмади. Меҳр кўзда эмасми, борди-келди узилмагач, аввалгиданда яқинроқ бўлиб қолдик.

Расулжоннинг фарзанди кўп эди. Чоғроқ уй-жойни ҳам ораста тутолмасди. Бола-бақранинг сероблигидан озодалик у ёқда турсин, ейиш-ичишнинг ҳам тайини қолмаганди. Бу ҳолатга Расулжон ҳам, унинг аёли Гулчеҳра ҳам кўниккан. Ҳатто, бўй етиб бораётган қизларининг ҳам парвойифалак эди.

Расулжоннинг оиласидан икки қиз узатилганидан сўнг ҳам аҳвол ўзгармади. Биз тенгқурлар дўст ачитиб гапирар, қабилида Расулжонни бир неча бор ўртага олиб, ораста яшашга ундаган бўлдик. Таассуфки, дашномимиз ўзимизга тарсаки бўлиб қайтди:

– Чидасанглар, борим шу, ор қилсанглар эшигимни очманглар. Бу менинг оилам, қандай яшаш-туришни ўзим ҳал қиламан.

Шундан сўнг дўстимизга оила тутумидан сўз очмайдиган бўлдик. Унинг астойдил кўнгли оғриди шекилли, онда-сонда бўлса ҳам уйига таклиф қилишдан ўзини тийди-қўйди.

Орадан икки йил ўтиб, шу хонадонга оёқ-қўли чаққон келин тушди. Унга қадар обдон гап чувалади: "Қизпошшо ҳовли-жой нима, билмай, "дом"да ўсган экан, аттанг..." Эл оғзига элак тутиб бўлармиди.



Улоқни аёллар тоза олиб қочишди. Бирови: "Уловига қараб тушови-да, бу оила аъзолари ҳам "дом"-боп эди, келинни ҳам ўзларига мосидан топишди" деса, яна бирови: "Олма олманинг тагига тушади-да" деди. Кайвони бир онахон эса аёлларни инсофга чақирди:

– Одамни бундай ажратмайдилар. "Дом"да ҳам шундай ораста, покиза қизлар борки, дераза рахидаги гулларини кўрсанг, ҳангу манг бўлиб қоласан. Биз хотинлар тўқиб-бичишга устаси фаранг бўлиб кетганмиз-да.

Ажабки, Расулжоннинг келини гулпарвар бўлиб чиқди. Орадан бир-икки ой ўтмаёқ, ивирсиб, тўзиб ётган ҳовли ораста бўлди. Йўлкаларга жой ажратилиб, қолган қисми яхшилаб чопилди. Текисланиб, рўзғор учун зарур кўкатлар сепилди. Ҳатто, қора мурчгача экилди. Дарвозадан кираверишдаги йўлка четларида чинни гулу сада райҳонлар қад ростлади. Йиллар давомида оҳак тегмаган, нурай бошлаган деворлар сувалиб, пахтадай оппоқ тусга кирди. Занглаб кетган темир дарвозага ҳам келиннинг қистови билан куёв оч ҳаво ранг бўёқ суртди.

Расулжонникидаги бу ажойиб ўзгаришларга кўзи тушган яқин таниш-билишлар:

– Келиннинг қўли гул экан, ҳовли-жой баробарида оила аъзолари кўнглидаги моғорни ҳам тозалаб ташлади, катта-кичикни ҳаракатга солиб қўйди, – дедилар.

Билмаганлар:

– Бу ҳовлида яқин орада тўй бўлса керак-да, – деб тусмолладилар.

Аслида оҳори тўкилмаган либослари ўзига ярашган келинчакнинг покиза қалбида янги оилага кўникиш, меҳр қўйишдек ажойиб баҳорий туйғулар ниш ура бошлаган эди...

**Собиржон ИНОМОВ.**




### БЕРЛУСКОНИ ПАРЛАМЕНТДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

**Италия сенати ўтган чоршанба куни мамлакатнинг собиқ бош вазири Сильвио Берлусконини парламентдаги ваколатидан маҳрум этиш тўғрисида овоз бергани ҳақида маълумот тарқатди Reuters агентлиги.**

Парламент Берлускони фирибгарликка оид ишга алоқадорлиги сабабли 2 йил давомида давлат идораларида раҳбар лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида суд қабул қилган қарорни маъқуллади. Ушбу масала Берлускони бошқараётган Mediaset холдинг солиқ масалаларида қаллоблик қилганлиги учун айбдор деб топилгандан сўнг кўтарилган эди. Шу иш бўйича ҳукм 2013 йил август ойида чиқарилганди. Ўшанда 77 ёшли сиёсатчи тўрт йилга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинганди. Кейинчалик бу муддат амнистия туфайли бир йилга туширилганди. Италия қонунчилигида кекса кишиларга бериладиган жазони юмшатиш назарда тутилгани боис, қамоқ жазоси жамоатчилик иши ёки уй қамоғи билан алмаштирилиши мумкин.

Берлускони шунингдек, солиқ тўлашдан бош тортганликда ҳам айбланганди. Бироқ, муддати ўтганлиги боис бу иш ёпилган.



### ЯНГИ СТАДИОННИНГ БИР ҚИСМИ ҚУЛАБ ТУШДИ

**Associated Press агентлигининг тарқатган хабарида келтирилишича, 2014 йилда Сан-Паулу шаҳрида футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўтказиладиган янги "Арена де Коринтианс" стадионининг бир қисми қулаб тушган.**



Нохуш воқеа сабабли уч киши ҳалок бўлди. Яхшиямки, фожиа тушлик вақтида, яъни стадионда ишчилар кам пайтида юз берди. Агентликнинг маҳаллий телеканаллар хабарига таяниб ёзишича, стадионнинг бир томонидаги трибуналар қулаб тушган. Дастлабки маълумотларга қараганда, аввал қурилишда фойдаланилаётган кран металл-конструкциялар устига қулаб, стадионга жиддий зарар етказган.

Аслида Сан-Паулудаги ушбу стадион чемпионатга мўлжалланган бошқа спорт майдонлари билан бирга шу йил декабрь ойида фойдаланишга топширилиши керак эди. Юқоридаги нохушлик қурилишнинг яна чўзилиб кетишига сабаб бўладими ёки йўқми деган, савол ҳозирча очиқ қолмоқда.

### ЖИНОЯТЧИ АЁЛНИ ГАРОВГА ОЛДИ

**CBS LosAngeles агентлиги Калифорния штатидаги Инглвуд шаҳрида қуролланган киши бир аёлни гаровга олганлиги ҳақида хабар тарқатди.**

Ёвуз ниятли киши бунгача ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг икки ходимини жароҳатлаб, турар-жойда беркиниб олди. Полициядан ҳудудни тарк этишни талаб этди, акс ҳолда гаровга олинган аёлни отиб ташлашини маълум қилди.

Ярадор бўлган икки полициячи шифохонага ёткизилди. Бироқ, уларнинг аҳволи ҳақида маълумот тарқатилмади.

Қизиғи шундаки, нима учун бундай нохушлик содир бўлгани ва жиноятчининг мақсади нима эканлиги ҳам номаълум.



### ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРИЛИШИДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛДИ



**Таиланд бош вазири Йинглак Чинават ишончсизлик билдирилишидан қутулиб қолди деб ёзади AFP агентлиги.**

Мамлакат парламентида ўтказилган овоз бериш жараёнида ҳукумат бошлиғига ишончсизлик эълон қилиш талабини 134 депутат ёқлаб чиқди. 237 депутат эса бош вазирга ишонч билдириб овоз берди.

2011 йилдан буён бош вазир лавозимида ишлаб келаётган Чинаватга ишончсизлик билдириш масаласи оппозициянинг оммавий норозилик акцияларидан сўнг кўтарилган эди. Акция иштирокчилари ҳукуматни Чинават ўрнига унинг акаси (укаси) Таксин Чинават бошқараяпти деган, даъво билан чиқдилар. Таксин Чинават ҳақиқатан ҳам 2006 йилгача Таиланд бош вазири вазифасини эгаллаб келган. Оммавий норозилик акциялари кучайиб кетгач эса, ҳукуматдан четлаштирилган эди.

### «ВАШИНГТОН ПОСТ» ШТАБ-КВАРТИРАСИНИ СОТДИ

**AFP агентлиги "Вашингтон пост" газетаси ўзининг Америка пойтахти марказидаги штаб-квартирасини сотиш ҳақида келишиб олганини маълум қилди.**

Оқ уй яқинидаги ушбу штаб-квартирани кўчмас мулк масалаларига ихтисослашган компаниялардан бири 159 миллион долларга сотиб олмоқчи. Шу ҳақдаги битимни 2014 йил март ойида охирига етказиш мўлжалланмоқда. Таҳририят биносини сотиб олишга рози бўлган компаниянинг номи ҳозирча ошкор қилинмаяпти.

Маълумки, "Вашингтон пост" Американинг энг нуфузли газеталаридан бири. Бироқ, кейинги бир неча йилдан буён у бошқа бир қатор нашрлар сингари рекламадан тушадиган ҳамда чакана савдодан келадиган даромадларнинг пасайишини бошдан кечирмоқда. Шу боис газета қатор харажатларни камайтириш, жумладан бир неча юз ходимни ишдан бўшатиш ва бир нечта мухбирлик пунктларини ёпишга мажбур бўлди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Кўргазма

# МИЛЛИЙЛИК ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган "Сарчашма" ижодий гуруҳи аъзолари асарларидан ташкил топган кўргазма очилди. Ўн йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган "Сарчашма" гуруҳидаги ўзбек пленерчиларидан 15 нафарининг 200 дан зиёд асарлари экспозициядан ўрин олган.**

Ижодий гуруҳ аъзолари турли йўналишларда фаолият олиб борувчи рассомлардир. Гуруҳнинг ҳар бир сафари маҳаллий рассомлар ҳамроҳлигида ўтган. Сафарда бўлиш, устахонадан олисда пленерда ишлаш рассомларга доимо мавзу танловини бойитиш, табиат уйғунлиги ва гўзаллигини, ҳаёт нафасини, ўз ҳиссиётларини асарларда акс эттириш имконини беради.

Экспозицияга қўйилган асарларда юртимизнинг гўзал табиати, бепоён кенгликлари, йилнинг турли фасллари, табиат қўйнидаги инсон, халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти натижасида тарихга айланиб бораётган миллий турар-жойлар, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари, меъморий ёдгорликлар, сархил ноз-неъматлар, ҳаёт фалсафаси акс этган. Кўргазмага қўйилган "Сўқоқ", "Сўқоқ оҳанглари", "Сўқоқ. Чошгоҳ" (Қудратилла Ажиметов), "Хумсон", "Ҳожикент" (Файзулла Аҳмадалиев), "Сўқоқда куз" (Абдусамад Саидбердиев), "Хумсон", "Хумсон кўчаси" (Муҳаммад Нуриддинов) каби асарлар томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Экспонатлар билан танишган пискентлик ихлосманд, 25-мактабда қарийб 40 йил ўқитувчилик қилган Қўшбой Мирзааҳмедов таассуротлари билан ўртоқлашиб, жумладан шундай деди: "Кўргазмага қўйилган асарлар бизга жуда манзур бўлди. Юртимиз, шунингдек, вилоятимизнинг гўзал табиати тасвирланган манзаралар, улардаги маънавий-фалсафий мазмун, умуминсоний ва миллий қадриятлар акс этган асарлар кишига кўтаринки руҳ бағишлаб, мулоҳазаларга чорлайди".

Кўргазма шу йил 10 декабргача давом этади.

Шунингдек, Бадиий академиянинг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида ҳам Конституциянинг 21 йиллигига бағишлаб, рассом Светлана Шиннинг "Куз куйлари" шахсий кўргазмаси очилди. Экспозициядан ўрин олган "Сўқоқ токзорлари", "Сўқоқ тепаликлари", "Сўқоқ", "Сўқоқ. Тепаликдаги хўтикча" каби асарлар кўргазмага келган ихлосмандларга завқ бағишламоқда.

– Кўргазмага қўйилган асарлар, – дейди Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти Чори Бекмиров. – Ёрқин ва тиниқ рангларда, меҳр билан ишланган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

*Гўзал табиат фаслларининг ажойиб хислати бор: бирибиридан қолишмайдиган мўъжизакор. Улар маълум маънода инсон қиёфаси, табиатига ҳамоҳанг. Беғубор, самимий, покиза ният, орзу-умидлар рўёбига оқ йўл тилаб, оппоқ қордан пар ёстиқ, кўрпа тўшаётган кумуш қишнинг қадам товушлари, салмоқли нафаслари сезилаётган олтин кузнинг сўнгги кунлариданоқ Чорвоқдаги мағрур тоғлар боши оқарди, елкаларида қуёш нури жилвалана бошлади. Демак, келгуси йилдаги мўл ҳосилга замин яралмоқда...*



## Шижоат

# ТЎЙТЕПАНИНГ «ТЎПТЕПАРИ»

**Омад деганлари ўз-ўзидан келавермайди. У ҳаракат қилган, мақсад сари интилган, ғайрати зўр, шижоати баланд, энг муҳими, эртанги кундан умидвор одамларгагина кулиб боқади. Агар шундай бўлмаганида, Ҳикматжоннинг ҳам бугун тангу тор уйда шифтга термилиб ётиши ҳеч гап эмасди...**

Ҳаётнинг кутилмаган синовлари ҳам, туҳфалари ҳам кўп бўларкан. Тўйтепалик Ҳикматжон Расулов эсини танибдики, қисмат қаршисида тиз чўкишга мажбур – ногирон эди. Бироқ, инсон иродаси нималарга қодир бўлмаган, дейсиз? Ҳикматжондаги сабот ва қатъият уни тўла-тўкис ҳаётга бошлади. Одамларга қўшди.

Ўрта мактабни битиргач, аввал Тошкент давлат юридик коллежини, кейинчалик Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлади. Дипломли бўлгач, ишга кирди. Изланди, ўрганди. Ўзи орзу қилгандек моҳир банк ходими бўлиб етишди. Унинг банк-молия тизимидаги фаолияти ҳам ҳавас қилса арзирли.

– Менинг энг яқин дўстларим – ўқитувчи ва мураббийларим, – дейди Ҳикматжон. – Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, мендан вақтини, меҳнатини аямай, хоҳ мактабда бўлсин, хоҳ уйда, таълим берган меҳрибонларимдан умрбод миннатдорман.

Аммо асосий гап бунда эмас. Ҳикматжоннинг бошқа "оламшумул" ютуқлари ҳам бор. Гап шундаки, у – моҳир спортчи. Жаҳон чемпиони. Бир эмас, икки карра. Шижоатига қойил! Ўқишдан ташқари, спортга ошно тутиниб, ногирон-ампутантлар футбол секцияларига қатнашга ҳам улгурди. Интилишлари зое кетмади. У футбол бўйича мамлакатимиз ногирон-ампутантлар жамоаси аъзоси бўлди. Жамоа 2007 йил Туркияда, ўтган йилнинг кузида эса Россия давлатида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатларининг бош совринини қўлга киритганидан хабарингиз бор. Оғир ва муросасиз кечган баҳсларда ишончли ўйин кўрсата олган азамат дарвозабонимиз худди шу Ҳикматжон эди.

Яқинда тўйтепаликлар ажойиб бир тўй оқшомининг гувоҳи бўлишди. Ҳикматжон маданият ходимаси Шоирахонга уйланди. Икки ёшга ҳамма бахт тилади.

**Шуҳрат МУРОДОВ.**

## Рассом хандаси



*– Ишқилиб, девор тугаб қолмасинда-а-а...*
*– А-а-а! Нима тугаб қолмасин?..*

caricatura.ru

## Кўзгудаги ўзимиз

# ЯХШИЛИК ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бошқаларни билмадим-у, мен жамоани иккинчи оилага таққослайман. Чунки уйдан кўра ишхонада кўп вақт ўтказамиз. Ҳамкасбларнинг бири ака, бири ука, опа ёки сингил бўлиб кетган. Иш ўз номи билан иш. Баъзан камчиликларимиз учун гап эшитамиз, бир-биримизнинг кўнглимизни оғритамиз.

Ҳамкасбим билан арзимаган нарсага гап талашиб қолдик. Нишдек сўзлари кўнглимга оғир ботди. Гарчи бу даргоҳга анча йиллик меҳнатим синган бўлса-да, "ишдан бўшайман" деган тўхтамга келдим. Хонамга кирдим-у, хўрлигим келиб, нарсаларимни йиғиштира бошладим. Шу пайт қўшни хонада ўтирадиган опахон қўнғироқ қилди:

– Вақтингиз бўлса, тушлик пайтидан фойдаланиб, бир жойга бориб келамиз, тезроқ ҳаракат қилинг.

Вужудимдаги оғриқ билан аранг ўрнимдан қўзғалдим. Ҳовлида ҳамроҳим кутиб турган экан.

– Машқингиз пастроқ, нима бўлди? – деди жилмайиб. – Зим-зиё кўринаётган оламга бошқа кўз билан қаранг. Бу рангин дунёда кимдир дилингизни оғритган бўлса, кўнглингизни кўтарадиганлар қанча. Доимо ён-атрофингизга соғиниб қаранг. Эртага бу гўзалликни кўрмаслик мумкин. Кимдир яхшилигини миннат қилдими, демак у эзгулик туйғусини тушунмайди. Ундан хафа бўлмаслик керак. Сизни, бизни бундан-да аълороқ инъомлар кутиб турибди. У – Тириклик! Шукрона! Мен буни Бахт деб ҳам атаган бўлардим.

Сарвиноз опанинг самимий сўзлари юрагимдаги ғуборни кўтариб, руҳиятимга енгиллик, сокинлик олиб кирди, асабим тинчланди. Суҳбат асносида манзилимизга етиб келганимизни сезмабмиз. Таниш дарвоза олдида машинадан тушдик.

– Кайфиятим йўқлиги боис қаерга боришимизни ҳам сўрамабман, – дедим қизариб.

– Ҳечқиси йўқ. Ўзимизнинг Эътибор опани бир йўқлаб қўяйлик, дегандим.

Ҳовли саҳнида анвойи гуллар барқ уриб очилган. Гармдори, балғари, помидор шиғил ҳосилга кирган. Тагида сув шилдираб оқиб турибди. Ишком тагидаги сўрида ётган бемор ёнида икки яқинлари ўтиришибди. Қўлимиздаги елим халтачани ошхона эшиги олдида қолдириб, ҳамроҳим иккимиз бирин-кетин сўри томонга юрдик.

Овозимизни эшитди чоғи, бемор кўзини очди. Киртайган нигоҳ билан бир зум тикилди-ю, қароқларидан ёш сизиб чиқа бошлади.



– Дилрабо, Малоҳат, бу сизларми, – деди аранг ютиниб.

Куни кеча орамизда савлат тўкиб юрган опахоннинг бу ҳолатини кўриб, иккимиз ҳам эзилдик.

– Опажон, яхши бўлиб қолдингизми, – сўлиган гулдек сарғайган юзларини силаганча ҳол сўрадим.

– Яхшиман, – деди мажолсиз. – Дилрабо, бир пайтлар ҳамхонам туҳмат қилганида, ёш бўла туриб, мени ҳимоя қилгандинг. Сендан миннатдорман.

Унинг сўзларидан кўнглим бузилди.

Беморни уринтириб қўймаслик учун қўзғалдик. Опанинг уйидан чиқиб ҳам анчагача бир сўз демай бордик. Хаёлимизда турли ўйлар ғужғон ўйнарди.

– Сингилжон, – деди ҳамроҳим орадаги сукунатни бузиб. – Кўрдингизми, сўзда қанчалар сеҳр бор. Бироз олдин кимдир кўнглингизни оғритгани сабабли дарди дунёингиз қоронғу эди. Қилган яхшилигингиз эвазига эшитган миннатдорчилик қалбингиздаги зулматни тумандек тарқатиб юборди. Шунинг учун эзгуликда, яхшиликда гап кўп. Яхшилик ҳеч қачон жавобсиз қолмайди.

Кайфиятим кўтарилиб, руҳим енгиллашди. Ишхонага илдам қадамлар билан қайтаяпман. Қаршимдан келаётган, ёнимдан ўтаётган таниш-нотаниш одамларга ҳам яхшилик қилгим келарди...

**Сайёра ИНОҒОМОВА.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8629. Адади 6938. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.